


Сайёра Мавлонова

Дардингни
олай, аёл



Сайёра Мавлонова

ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, АЁЛ



Тошкент
«Turon zamin ziyo»
2016

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

М-33

Мавлонова, Сайёра

Дардингни олай, аёл [Матн] / С.Мавлонова. – Т.: «Turon zamin ziyo». 2016. – 36 б.

ISBN 978-9943-4670-6-4

Ушбу китобга олам ва одам, ҳаёт ва табиат мавзуидаги шеърлар жамланди. Муаллиф ўз ҳаётини тажрибаларига таяниб, аёл қалбининг нозик тебранишларини, турфа кузатишлари, ҳулосаларини содда ва самимий сатрларда ифода этади. Бу ҳаётини ва сермазмун битиклар ўқувчи қалбига осон йўл топади. Ўйлаймизки, ушбу китоб сизга манзур бўлади.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

Тақризчи:

Илҳом Аҳроф

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ISBN 978-9943-4670-6-4

© «Turon zamin ziyo»,
Тошкент, 2016 й.

АВЛОДЛАРГА МЕРОС ГУЛДАСТА

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг ибратли ҳаёт йўли кўплар учун сабоқ мактабидир. Ана шундай кишиларни мен қуёшга мензагим келади. Чунки қуёш ҳам ўзини, ҳам ўзгалар йўлини ёритади. Тажрибали педагог, моҳир журналист, шоира Сайёра Мавлонова ана шундай аёллардан эди. Камтарлиги, очиққўнгиллиги, меҳнаткашлиги, меҳрибонлиги билан кўплар юрагидан жой олган устоз, ўзидан гўзал маърифат боғини қолдириб кетди. Устознинг биргина шиори бор эди, - “Одамларга яхшилик ва меҳр улашиб яшаш”. Сайёра Мавлонова буни урдасидан чиқди. Фақат эзгу ишлар қилиб яшади. Нафақат Янгиариқ туманининг, балки бутун Хоразмнинг намунали хонадонларидан, оилаларидан бири бўлган бу сулолага бугун барча ҳавас кўзи билан қарайди. Мен бу жонқуяр муаллим билан жуда кўп давраларда, илмий анжуманларда учрашганман, суҳбатлашганман. Ўзбекнинг бир оқила, фидойи аёли сифатида каминада яхши таассурот қолдирган. Ҳаётлик чоғларида опа ижодидан баҳраманд бўлиб турардим. Вақтли матбуотда шеърлари, таълимга боғлиқ публицистик мақолалари билан мунтазам кўриниб турар эди. Умрининг сўнгги давларида биргина орзуси борлигини такрор-такрор айтардилар. “Сойибжон, - озми кўпми ёзганларимни тўплам қилсам, фарзандларимга эсдалик бўлармиди ?!”. Опанинг бу орзулари бугун рўёбга чиқди. Янги шеърый тўплам ўқувчилари қўлига етиб борди. Афсуски, бу фараҳбахш онларни ўзлари кўрмадилар. Янги шеърый тўпламни чоп этилишида бош-қош бўлган фарзандларига бугун миннатдорчилик билдираман ва авлодларга мерос мазкур гулдаста муборак бўлсин, дейман.

Сойиб МИРЗО, шоир

ЯГОНАМСАН

Ватан сени севмоқ саодат,
Борлиғимсан, бахтимсан ўзинг.
Сен – иймоним Каъбатилломсан,
Ягонамансан, тахтимсан ўзинг.

Соҳибқирон Темурбек ўтган,
Қўхна тарих мулки Туронсан.
Улуғлардан қолган меросим,
Қуёш ўғли Ўзбекистонсан.

Мадҳинг тилга гар олар бўлсам,
Фалак сўзлар Улуғбек бўлиб.
Мирзо Бобур келар қошинга,
Бағри армон ситамга тўлиб.

Булбулзабон Навоийсан – сен,
Яссавийсан дунё олган тан.
Сен ғурурда тенги йўқ малак,
Зебунисо кўзидаги шан.

Сен – Увайсий Хўқанди латиф,
Шухратига қўша олган шон.
Сен – Нодира, юрт эрки дея,
Ширин жондан кечиб берган жон.

Шукр, бугун яна юртингда,
Ўз-ўзингга бексан, ҳоқонсан.
Бутун дунё тан олаётган,
Яшнаётган Ўзбекистон

* * *

Қайта-қайта ўтга кирган пичоқнинг,
Дамига ҳатто тош беролмаган дош.
Меҳнатда тобланган инсон дилини,
Безагай орият, чидам ва бардош.

* * *

Хотин камроқ эрур умри жонингга,
Вале жонкуяринг билсанг, жигардир.
Азизим! Шу йўлда хато қилмагин,
Жигар жигарингдир, дигар дигардир.

ЭЗГУЛИКНИНГ УЙҒОҚ КЎЗЛАРИ

Ҳар йил келаверар қадрлаш куни,
Кимлардир кетади орадан ҳайҳот.
Чинорлар қулайди вале ниҳоллар,
Кўкка бўй чўзгандай ёзади қанот.

Бир кун туғилмоқ бор, бир куни ўлмоқ,
Фақат ёшин яшаб ўтсин одамзот.
Етдим деган чоғда йиқилмасин ҳеч,
Кўнгилга тош бўлиб чўкмасин фарёд.

Бугун чинорларим, умри азишлар,
Қутлуғ пойингизни ўпгани келдим.
Даҳшатлар комидан омон қайтганлар,
Сизни саждагоҳ деб, муқаддас билдим.

Бугун кўксингизни тўлдириб турган,
Ордену медаллар уруш излари.
Сизлар – Ватан фаҳри, элнинг иймони,
Сизлар эзгуликнинг уйғоқ кўзлари.

ТИЛАК

Тўхта! Шайтонга ҳай бергин келинчак,
Қайнона! Кўнгилни кенг қилинг озроқ.
Аҳиллик мозийдан мерос бизларга,
Армонлар солмасин кўнгилларга доғ.

Тишлар қўрғонини бузиб ўтқувчи,
Тилнинг ханжарини юракка санчманг.
Кўнгил косасига тўлдириб оғу,
Эзгулик гулларин беаёв янчманг.

Сен олам шодлигин ҳовучингга ол,
Меҳрга ташналар қониб ичсинлар.
Сўнг “меҳр” исмли чашмага айлан,
Сувингдан ташналар ёниб ичсинлар.

Сўнгра шаббодага айланиб буткул,
Узоқларга олиб кетгин ғамларни.
Биллур томчиларга айланиб, тонгда,
Бахш эт! Одамларга тотли дамларни.

КЎРИБ ТУРСАМ БАС.

Сиздан ҳеч бир нарса керакмас менга,
Кўриб турсам басдир юзларингизни.
Мендан ҳам ҳеч нарса керакмас сизга,
Кўриб турсак басдир кўзларимизни.

Дедингиз: “Нигоҳим оловнинг сели,
Оташидан диллар чўғга айланар.
Ақлнинг амрига бўйсунмаган қалб,
Минг бор чекинсам ҳам сизга боғланар.”

Азизим мен бу кун ишқнинг домидан,
Кутилиб сокинлик даврига ўтдим.
Ўғзал туйғуларни бир сингил бўлиб,
Дастлаб, сиз учун илкимда тутдим.

Бугун умримизнинг фасли кузаги,
Истикболда қишнинг армонлари бор.
Лекин кўнгилларнинг ҳокими – ишқнинг,
Ўчмас лаҳзалари мангу дилга ёр.

Азизим! Сиздан ҳеч нарса керакмас!
Фақат, кўзларингиз кўриб турсам бас.

ТИЛИНГДАН

Бошингга келса бало, билгилки тилингдандир,
Эл аро бўлсанг мукаррам, ул ўғзал феълингдандир.
Сувратингда нуқсон йўғу, сийратинг андин ўғзал,
Сендаги барча сифатлар ул теран дилингдандир.
Боғ аро бўлсанг ниҳон, келтирса сабо бўйларинг,
Сен суйиб эккан боғдаги турфа хил гулларингдандир.
Сурмадан чашминг қарою, ўсмадин қошлар хилол,
Хинонинг бағри қон бўлгай сув ичиб қўлингдандир.
Эй, Сайёра бит ғазални, дил қонинг сиёҳ этиб,
Тинглаган дил десин эриб, бол томган тилингдандир.

КЕЛИНЧАК

Оқ харир либосда келар парирўй,
Безовта қалбида ширин хаёл –ўй.
Олқишлар, дилрабо ғазал, қўшиқ, куй,
Қадамларинг қутлуғ бўлсин келинчак.
 Онанг узатади тилаб бахтингни,
 Қайнонанг кутар тузаб тахтингни.
 Оллоҳ боқий қилсин дилда аҳдингни,
 Қадамларинг қутлуғ бўлсин келинчак.
Шу қутлуғ остона сеники бўлсин,
Пойингдан хонадон нурларга тўлсин.
Ширин каломингдан меҳр уфурсин,
Қадамларинг қутлуғ бўлсин келинчак.
 Бугун ёр-ёр сенга, тилаклар сенгадир,
 Хавас билан боққан кўзлар сендадир.
 Қаршилаган дил, нон-тузлар сенгадир,
 Қадамларинг қутлуғ бўлсин келинчак.
Тўйинг қутлуғ бўлсин жоним қизгинам,
Номусим, оримсан, ёруғ юзгинам.
Тиллари болимсан, ширин сўзгинам,
Қадамларинг қутлуғ бўлсин келинчак.

ШУКРОНА

Кўзларингдан ўқидим қалбинг,
Асрорларин менга айтмаган.
Хар юракда чархнинг турфа хил,
Азоблари битган, битмаган.
 Яхшиямки, атрофда сени,
 Қўллагувчи дўст-ёрларинг бор.
 Ҳаёт баъзан кимларгадир бахт,
 Кимга эса тутқазаркан дор.
Табиатнинг гўзаллигини,
Кўрган кўзлар учун шукр қил.
Қалб уйига малҳам бўлгувчи,
Айтган сўзлар учун шукр қил.

ЎРГИЛАЙ

Халқим урфларингдан ўргилай ўзим,
Юз бор ҳол сўрсанг ҳам кўнглинг тўлмайди.
Шарқона удумлар, балки шу боис,
Минг бор чекланса ҳам, асло ўлмайди.

Бир он бирга бўлган кўз таниш ошнанг,
Қондошга айланар феъли кенг халқим.
Бунчалар гўзалдир, бунчалар дилбар,
Туркий элатларда шарқона удум.

Кимнинг ҳовлисида қуриларкан уй,
Бутун эл ҳашарга келар ёғилиб.
Кимдир тўй қилса гар, бутун элда тўй,
Кимнинг азасида халқ йиғлар тўлиб.

Кимнингдир фарзанди кетса ҳарбийга,
Бутун эл кузатар тилаб оппоқ йўл.
Кимнингдир уйида фарзанд туғилса,
Бутун эл дуога очар қўл.

Халқим урфларингдан ўргилай ўзим,
Мадҳингга минг ҳамду-санолар етмас.
Туркий элатларнинг шарқона урфин,
Шунинг-чун ғарбу – шарқ қилгайдир ҳавас.

ҚОЛДИРМАНГИЗ АЁЛНИ ЁЛҒИЗ

Вафодор ёр умрингиз гули, Кунлар шундай қолмасин ғариб,
Уйингизнинг чироғи, нури, Аёл бевақт қолмасин қариб,
Ҳаётингиз завқи, сурури, Ёр устига сиз ёр ахтариб,
Қолдирмангиз аёлни ёлғиз. Қолдирмангиз аёлни ёлғиз.
Аёл борки, бардошда қоя, Қаро кўзлар ёшга тўлмасин,
Инсоният умрига доя, Умрин шами бевақт сўнмасин,
Толеига солмангиз соя, Ҳайҳот! Аёл ёлғиз қилмасин,
Қолдирмангиз аёлни ёлғиз. Қолдирмангиз аёлни ёлғиз.

ПОЙИНГИЗ САЖДАГОҲ

Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига

Бугун алп қоматлар долга айланган,
Ўктам мард йигитлар чолга айланган.
Сўзлар минг дуоли болга айланган,
Пойингизни тавоф қилай оталар.
Сизни саждагоҳ деб билай оталар.

Титроқ қўлларингиз сурай кўзимга,
Иссиқ дийдангизни босай юзимга.
Сизлар бош сарлавҳа шеърим сўзимга,
Пойингиз тавоф қилай оталар.
Сизни саждагоҳ деб билай оталар.

Мангу тирикликка дахлдорларим,
Миллатимнинг фахри номус, орларим.
Жанггтоҳда мисли шеър, бургут сорларим,
Пойингизни тавоф қилай оталар,
Сизни саждагоҳ деб билай оталар.

Умрингиз минг китоб ёзмоққа арзир,
Ҳар битта бобида минг-минг лавҳа, сиз.
Сиз тоза ҳилқатсиз садаф ичра дур,
Пойингизни тавоф қилай, оталар,
Сизни саждагоҳ деб билай оталар.

Замондош бошинг эг! Қаҳрамонларга,
Сени деб, мени деб чеккан жонларга.
Пойини тавоф қил! Булар иймондир,
Ҳазрати одамдир, тоза виждондир.

* * *

Феълингни кенг тутгин кенгга-кенг дунё,
Бу дунё барчага асли тенг дунё.
Яхшилик қилмоқни сен одат айла,
Хўблар билан гўзал асли бу дунё.

ҚОМУС

Қудрат топди, шон қуча Ватан,
Комилларга тўлди қучоғи.
Маърифатли ёшларга тўлди,
Фанлар боғи – илм ўчоғи.

Озод бўлди топталган Ватан,
Она халқим эрк топди унда.
Диллар завққа, шуурга тўлди,
Юрт мустақил бўлган ул кунда.

Мустақиллик илоҳий бир сўз,
Тунинг тонгга кўчириб яшар.
Тан олмоқда бугун ўзбекни,
Дунё эли – дунёвий башар.

Унут бўлди азоб, уқубат,
Биз дунёга чиқдик рўйи-рост.
Ўзбекистон дунёга дoston,
Она халқим топмоқда эъзоз.

Сарҳадлардан ошди шуҳрати,
Қомусини тан олар жаҳон.
Ўтмишидек гўзал эртаси,
Келажаги буюк бир бўстон.

ЎЗИНГ ҚўЛАА

Уни асли Оллоҳ қўллаган,
Бизлар фақат оддий бир сабаб.
Бандалар ҳам қўлласин майли,
Лек оллоҳдан ҳар қандай шараф.

Агар оллоҳ қўлламасайди,
Забонини қилмаса ўткир.
Дунёни зир титратиб асло,
Соҳибқирон бўлмасди Темур.

Агар оллоҳ қўлламасайди,
Коинотга бўлмасди султон.
Улуғбекнинг тафаккуридан,
Ахир пайдо “Мулки Қўрагон.”

Навоий қўламаса Ҳақ,
Шеъриятга бўлмасди султон.
Лутфий каби буюк даҳони,
Тўққиз ёшда қолдириб ҳайрон.
Бугун оллоҳ қўллаб юртбошим,
Дунё узра танилди рўй-рост.
Танграм боқий қилсин умрини,
Эл ардоқлаб, айласин эъзоз.
Шунинг учун дейман юкиниб,
Оллоҳ қўлла замин, замонни.
Мўътабар қил, мукаррам айла,
Эл назарга олган инсонни.

ГАП КЕЛДИ АЯМАЙ АЙТМОҚ ХОНАСИ

Тобут кетаётир лопиллаб, ана,
Мангу индамаслар маконига жим.
Ким унинг ичида билиб бўлмагай,
У шоҳми, гадоми, шоирми, ҳаким.
Ўлим тенглаштирар экан одамни,
Тирикликда нечун шунча адоват.
Портлашлар, урушлар, ғаразлар нечун,
Баъзан ўйлай бериб қолмагай тоқат.
Дунёни забт этган Искандар ўтди,
Хазинага тўплаб дунёнинг зарин.
Оқибат рихлатга кетди қўли бўш,
Шон қолди, мол қолди, қолдику бари.
Назмила дил ўйин файзиёб қилган,
Жандага бурканган Машраблар ўтди.
Вале шеъриятда шоҳ номин олиб,
Унинг мискинлигин эл-юрт унутди.
Аврот беркутгудай кийим бўлса бас,
Жисминг кўтармоққа етгулик таом.
Шеъриятда даҳо Умар Ҳайёмнинг,
Мулки эди фақат қалам ила жом.

Мол-дунё кетидан зир чошиб баъзан,
Ёдига келмагай ота-онаси.
Мангу яшолмассан, сен ҳам ёдда тут!
Гап келди аямай айтмоқ хонаси.

Демак, дунё экан ўтгувчи дунё,
Мол-дунё кетидан қувмоқликдир бас,
Шу қисқа умрда инсондек яша,
Яхши ном қолдиргин қилгудай ҳавас.

ЯГОНАМСАН

Ватан сени севмоқ саодат,
Борлиғимсан бахтимсан ўзинг.
Сен – иймоним, каъбатилломсан,
Ягонаман, бахтимсан ўзинг.
Соҳибқирон Темурбек ўтган,
Кўхна тарих, мулки туронсан.
Улуғлардан қолган меросим,
Қуёш ўғли Ўзбекистонсан.
Мадҳинг тилга гар олар бўлсам,
Фалак сўзлар Улуғбек бўлиб.
Мирзо Бобур келар қошимга,
Бағри армон, ситамга тўлиб.
Булбулзабон Навоийсан – сен,
Яссавийсан дунё олган тан.
Сен ғурурда тенги йўқ малак,
Зебинисо, кўзидаги шон.
Сен – Увайсий, Хўқанди Латиф,
Шўхратига қўша олган шон.
Сен Нодира юрт эрки дея,
Ширин жондан кечиб берган жон.
Шукр бугун яна юртингда,
Ўз-ўзингга бексан, хоқонсан.
Бутун дунё тан олаётган,
Яшнаётган Ўзбекистонсан.

ХОТИРА

Сочга оқ қошларга қиров қўнибди,
Лек кўзлар ўшандай нурли жилвакор.
Янгроқ овозингиз тинглар эканман,
Яна ёдга тушди йиллар бетакрор.

Биз ашъор устида тунни тонгларга,
Яраш қилган гўзал онларга қайтдик.
Дийдорлашув насиб этган шу кунга,
Шу ажиб дамларга шукрона айтдик.
Ўзинг шаддод бўлсанг майли дердингиз,
Лек овозинг майин шикаста бўлсин.
Сен ҳиром этган чоғ азизам синглим,
Товус хижолатдан армонга тўлсин.
Сен шундай сўзлаки нутқ иродингдан,
Даврага нур кирсин танларга роҳат.
Сени суйганларни, сен деганларни,
Чўлғасин, вужудин қоплаб фароғат.
Илҳом тарк этмасин сени ҳеч қачон,
Мангу чертиб турсин юрак торингни.
Ҳар лаҳза, ҳар бир он, ҳар бир дақиқа,
Ёдга солиб турсин сенинг борингни.

НАВРЎЗ

Сен келдинг она Наврўз, қизлар уйғона қолди,
Тоғларда эриб қорлар дарё узра йўл олди.
Дошқозонлар осишиб, чиқди гурунг авжига,
Меҳр тўлиб дилларга гина –қудрат йўқолди.
Сен келдинг она Наврўз, дарахтлар тақди маржон,
Анвойи ифорларга гўё тўлгандай жаҳон.
Пойимизга ястанди майсалар поёндоздай,
Баҳорий гўзалликдан яшнади Ўзбекистон.
Сен келдинг она Наврўз дала-қирга кирди жон,
Даласига отланди ишни соғинган деҳқон.
Эй, Сайёра бит ғазал, таъзим қил, гўзалликка,
Таърифин куйла ёниб, гар бўлса қанча имкон.

ЭҲТИРОМ

Ҳазрат Навоийдек улуғ бир сиймо,
Устозин ўғлига қилиб эҳтиром.
Отдан тушиб таъзим қилибди бажо,
Бу устоз шаънига кўрсатилган шон.
 Пири комилликнинг азоби мўлдир,
 Ёстиклар бўш қолар азоби унга етолмай.
 Ой хира фонусин кўтариб ҳайрон,
 Устоз хонасидан излаб қолар жой.
Дунё сукунатга ғарқ бўлиб кетар,
Оромга шўнғийди аҳли коинот.
Минглаб дафтарлардан исмини излаб,
Устозлар улардан олажак қувват.
 Осмон бўзарганда ширин тин олиб,
 Гўё тинглагандай мусикий бир соз.
 Мактабга шошади янги “даҳо”лар,
 Яратмоқ куйида табаррук устоз.

РОЗИМАН

Мен сизнинг, мен сизнинг томирингизга,
Бир парча қуёшдай қуйилиб қолсам.
Бир олам сиққудек юрагингизнинг,
“Илҳом париси” га айлана қолсам.
 Майли қошингизла “илҳом париси”,
 Бўлайин бир мисра шеърга арзисам.
 Сўнг ўша мисрани ўқиган қалбнинг,
 Титраб, кўзларида жилвалансин нам.
Сиз ёзган шу мисра қай бир ожизнинг,
Дардли юрагини ёрита олса.
Масрурман шу мисра қай бир ошиқнинг,
Безовта қалбида илиқ бўлиб қолса.
 “Илҳом парисига” майли айланай,
 Розиман ўзиман кечиб кетмакка.
 Журъат қилолсангиз басдир сиз фақат,
 Мендан кечиб янги шеърлар битмакка.

КЕК САҚЛАМАНГ

Ул зот кечирувчининг кечираркан гуноҳин,
Шукр қилган банданинг эшитар экан оҳин.
Мискин, ғариб, етимнинг Оллоҳ экан паноҳи,
Кўнглингиз дарё бўлсин, биродар, кек сақламанг.

Жаҳл келса тиғ билан ақлга суянинг сиз,
Тилни қўрғонга қаманг, ахир удир суяксиз.
Кибр дил ойнасини қилиб қўяжак нурсиз,
Кўнглингиз дарё бўлсин, биродар, кек сақламанг.

Хулосага шошилманг шайтон йўлдан ургайдир,
Ғазаб келса отланиб ақл четда тургайдир.
Кибр гўё асов от, ҳар мақомга йўргайдир,
Кўнглингиз дарё бўлсин, биродар, кек сақламанг.

Кўшни кўшнин бозори йўғингизни бор қилар,
Қондош бўлмасангиз ҳам сизни ўзга ёр қилар.
Дилда “кек”ни сақламанг у дилга озор қилар,
Кўнглингиз дарё бўлсин, биродар, кек сақламанг.

Яхшиликдан билингиз жаннатга йўл очгайсиз,
Яхшилик қила-қила дилларга нур сочгайсиз.
Раҳмонга ошно бўлгач, сиз шайтондан қочгайсиз,
Кўнглингиз дарё бўлсин, биродар, кек сақламанг.

Чин мусулмон бировдан хафа бўлмас ҳеч қачон,
Ёмонликлар ичида ёмони шубҳа гумон.
Ҳар нени яхшиликка йўйгайдир асл инсон,
Кўнглингиз дарё бўлсин, биродар, кек сақламанг.

Беш вақт намоз билсангиз Ҳақ йўлида ибодат,
Оллоҳга етишгайсан дилдан қилсанг итоат.
Жамолига етмоққа қилсанг агар шижоат,
Кўнглингиз бир дарё бўлсин, биродар, кек сақламанг.

ШУКРОНА

(депутат Барнохон Абдуллаева тилидан)

Сизга эл бўлган кундан чарақлаган бахтим бор,
Уч фарзандим қанотим ҳеч қуламас тахтим бор.
Бошим ерга теккунча таъзимдаман юртдошлар,
Сиз деб ёниб яшашга қарорим бор, аҳдим бор.

Шукр дейман шу замин, шу Ватаннинг қизиман,
Қайда бир дардман кўрсам, дардкашиман сўзиман.
Халқим гар вужуд бўлса, шу вужудга жон бўлган,
Уриб турган юраги, кўриб турган кўзиман.

Оддийгина навнихол қиз эдим келин бўлдим,
Сизлар қўллаб турдингиз шукр ёруғ юз бўлдим.
Бағрингизга босдингиз бегонамас ўз бўлдим,
Сиз деб ёниб яшашга қарорим бор, аҳдим бор.

Энди дилда бир орзу корингизга яролсам,
Ишончингизни оқлаб, сизга дадил қаролсам.
Овозингиз бўлиб мен, ҳар эшикка боролсам,
Яратганга шукронам гўзал юксак бахтим бор,
Сиз деб ёниб яшашга қарорим бор, аҳдим бор.

* * *

Асллар ўтса ҳам эсланар бот-бот,
Гўзал суҳбатларда руҳин қилиб шод.
Қолдирган меҳнати, ширин сўз билан,
Мангу тирикликка ҳақли одамзот.

* * *

Муҳаббат аслида севги китоби,
Ишқ билан чарақлар дилнинг офтоби.
Шу ишқ садоқатдан бўлса мосуво,
Мангу тугамайди кўнгилнинг доғи.

АЛВИДО, ЭНАХОН

*Кадрдон дугонам Энахоннинг порлоқ хотирасига
бағишлайман....*

Эшитишимча, бутун умрини маорифга бағишлаган
бу аёл, ҳаёт билан видолашаётган пайтда ҳам мактаб
учун ясаттирган дарвозани қурилганми, йўқми деб
сўраган экан.....

Бугун гўё осмон ерга қулади,
Гўё тўхтаб қолди томирларда қон.
Наҳот ўлим экан, шунча бешафқат,
Алвидо, кадрдон дўстим Энахон!

Сен юрган йўлларни, босган изларни,
Ўқтам овозингни соғиниб келдим.
Қурдирган нурхонанг остонасида,
Ўзингни тополмай, юрак бағрим хун.

Ҳар йили билимлар куни азизам,
Мактабинг тўёна бўлиб кетарди.
Қурган дарвозангдан бугун, азизам,
Гул кўтариб ўзинг ўтсанг нетарди.

Бугун кўнгли яро, кўзлари намли,
Мунгли жамоангни кўриб бағрим қон.
Шогирдлар дилида яшайсан мангу,
Алвидо! Куйинчак дўстим Энахон.

* * *

Ер хокисор бўлгани учун,
Оллоҳ ундан Одам яратган.
Шу одамлар яшасин дея,
Турфа гўзал олам яратган.

ҒУРУР

Гар халқимнинг қувончидан қувонмаса дил,
Элу-юртнинг ташвишига шерик бўлмасам.
Дўст бошига тушса ташвиш сўрамасам кўнгил,
Эл бошига иш тушганда сафда турмасам,
Майли дўстлар, инсон дея атаманг мени.
Она – Ватан тупроғини айлаб тўтиё,
Кўзларимга суртмоқликдан тонсам алҳазар.
Ватан учун жон берганлар туюлса рўё,
Юрагимга солалмаса вулқонлар агар,
Майли дўстлар, инсон дея атаманг мени.
Қўлда асо, мажруҳларни кўрганим чоғда,
Машъум йиллар хотирасин қўйсам унутиб.
Жигарбандин йўқотганлар йиғлаб фироқда,
Турса-ю, мен лоқайдгина кетсам гар ўтиб,
Майли дўстлар, инсон дея атаманг мени.
Зафарларда эл бошласа юртда катта тўй,
Қувончларга тўлиб тошса, ҳар бир хонадон.
Хирмонимиз юксакларга чўзиб турса бўй,
Қувонмаса, қойил қолса ўзбекдан жаҳон,
Майли дўстлар, инсон дея атаманг мени.

БИЛЛУР ОРЗУЛАР

Яна юракларда ҳаяжон севинч,
Зумрад ойналарга боқаман хушхол.
Сен боис даврада яна тенг-тушлар,
Бир-бирин қутлашиб тилашар иқбол.
Зеб берар даврага тоғлар гўзали,
Сулув келинчақдек ял-ял товланиб.
Бугун яноқлар ол, чехралар гулгун,
Нигоҳлар севинчдан боқишар ёниб.
Янги йил –яхши йил бўлгин илойим,
Дилда режалар мўл, орзулар биллур.
Тилагим: қалбларга шу қутлуғ айём,
Бахш этсин покиза, тиниқ тафаккур.

ЮРАКЛАРДА ЯШАЙВЕРАМАН

Эй башанг кийинган кибор хонимлар,
Камхаржлигим асло пастликка йўйманг.
Мени камхарж дея қилманг маломат,
Аҳволимни кўриб деманг ҳоли танг,
Мен-чи юракларда яшайвераман.
Оддийгина камтар ҳаётим менга,
Серҳашам саройдан минг бора яхши.
Мен ахир дилларга зарб қилиб ўйдим,
Одамийлик деган эзгулик,
Мен мангу дилларда яшайвераман.
Зеб-у зийнат таққан хонимойимлар,
Кибр-ла қўлимга боқманг ҳаволаб.
Минглаб жавоҳирни қалбларга тақдим,
Барча олди ундан қанча гўзал қалб.

УЙҒОНИШ

Баҳорни кузатдим, ёзни кузатдим,
Энди исингали тополмам офтоб.
Шу қисқа умрда хатолар мўлдир,
Маҳзун хотиралар сирли бир китоб.

Учкун от мисоли кетди болалик,
Завқу – шавқққа тўла ёшлик ҳам ўтди.
Бошларга қўндириб оппоқ қировни,
Куз ҳам сокингина узлатга кетди.

Бесамар кетган ул кунлар оҳини,
Чекиб, Ҳақ китобинг қўлимга олдим.
Шукр ҳечдан кўра кечроқ бўлса ҳам,
Улуғ муҳаббатинг дилимга солдинг.

Шу ишққа мубтало ошиқ юрагим,
Исмларинг айтиб чарчамас зинҳор.
Жамолинг васфида йиғлайвераман,
Энг гўзал сўзлардан битганча алёр.

МАНЗАРА

Ташриф буюрмоқда сўлим навбахор,
Уйқудан уйғонди она табиат.

Чечаклар шабнамдан тақдилар сирға,
Самода қушчалар қоқдилар қанот.

Хонанда қўшиқлар куйлайди бу кун,

Кўксига сиғдирмай қўшиқларини.

Булбул роз айтади тонг чоғи гулгун,

Гулгунча қошида тўкиб борини.

Дехқон даласида қолар пайт бу кун,

Ризқу рўз уруғин қадаб заминга.

Жонланиш сезаман борлиқда бутун,

Эзгулик сингади тилакларимга.

Ёмғирдан сўнг чиққан камалак мисол,

Рангларга чулғанар табаррук замин.

Ким ўқиб сўнгига етолган ахир,

Она табиатнинг улкан мактабин.

Ташриф буюрмоқда сўлим навбахор,

Уйқудан уйғотиб ер-у самони.

Қалбларга берасан пок туйғу наҳор,

Бу она табиат сенинг инъоминг.

ЎШАДИР – ҲАЁ

Мужгонлар бирикиб бўлсалар бир саф,

Кўзлар жодусига парда бўлолса.

Лаблар гунча каби юмилиб, тилни,

Кичик қўрғонига гар қамай олса,

ўшадир – Ҳаё!

Юзлар учрашганда бўса гар анор,

Бошлар мажнунтолдай эгилиб турса.

Қадлар сарв каби бўлса ҳамки тик,

Висол онларида долдай эгилса,

ўшадир – Ҳаё!

Шарқнинг малаксиймо аёлларидай,

Бурканса ибонинг этакларига.

Гўзал оқшомларда сулувлар фақат.
Қулоқ тутсалар ой эртақларига,
ўшадир- Ҳаё!

МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ

Севиб севгисини тилга кўчирмай,
Тақдирга тан берган гўзаллар қанча.
Шу ширин туйғуни пардага ўраб,
Авлодларга элтган ғазаллар қанча.
“Сиз ўшами” қандай ғазал ибора,
Бу сўз Кумушойнинг дил розмасми.
Биринчи севгилим жоним азизим,
Сўзларин минг бора айтмоқ ҳавасми.
Қачон ўтли туйғу оташ муҳаббат,
Бунчалар сийқаси чиққандир айтинг.
Аёллар муҳаббат изҳор қилмоқни,
Орият деб билинг бу йўлдан қайтинг.
Дилнинг изҳорини ошкор айтмоқлик,
Йигитга ярашар йигитлар айтсин.
Ҳар чаманга гул-у, ҳар гўшага ёр,
Билгувчи гўзаллар фикридан қайтсин.
Истагим “муҳаббат” сўзи ҳеч қачон,
Тилларга кўчмасин у дилнинг иши.
Шу сўзни авайлаб, асрасин мангу,
Қалбида шу гўзал туйғу бор киши.

* * *

Беш кунлик дунёда инсондек яша,
Гоҳо ортингга ҳам сен назар ташла.
Дунёни ортмоқлаб кетолмассан бил,
Гапни хўб қилсанг ҳам ошни кам оша.

* * *

Камтарликда доим мажнунтол бўлгин,
Тўғрилиқда терак каби бўлгин тик.
Покликда шабнамдек мусаффо бўлгин,
Эгрининг тоабат қаддидир эгик.

ХАЙРЛИ БЎЛСИН

Нуронийларга

Мен сизда кўраман тоғлар виқорин,
Ватан эртасин деб бергансиз борин.
Хатто бир нафасга ололмайсиз тин,
Отажон тонгингиз хайрли бўлсин.

Сиз бугун дуоғўй, уйлар султони,
Сиз замин тиргаги, юртнинг виждони.
Сизлар ёш авлоднинг номуси, шони,
Отажон тонгингиз хайрли бўлсин.

Сиз уйлар тўрида соғ, омон бўлинг,
Эл ичра мукаррам, жисми жон бўлинг.
Ватан томирига мудом қон бўлинг,
Отажон тонгингиз хайрли бўлсин.

Оппоқ соч, соқолдир юзингиз кўрки,
Жонсарак нигоҳлар кўзингиз кўрки.
Фарзандлар сиз юрган изингиз кўрки,
Отажон тонгингиз хайрли бўлсин.

Сиздан бошланади Ватан деган ном,
Орият, матонат сиз тўлдирган жом.
Сайёра, қалам тут, келди қутлуғ дам,
Отажон тонгингиз хайрли бўлсин.

СИЗ ТУҒИЛГАН КУН

Зулфияхонимнинг 93 йиллигига бағишланади.

Яна дала, қирлар безанди такрор,
Яна ўлкам узра кезар навбахор.
Табиат покланиб, бўлар беғубор,
Азизам, устозим сиз туғилган кун,
Сизни табриклайди ҳар шивир, ҳар ун.

Ҳар тонг япроқларнинг юзи намланар,
Ҳар сафар майсалар сирли шамланар.
Бугун сизни эслаб, сўзлар мисли зар,
Азизам, устозим сиз туғилган кун.
Сизни табриклайди ҳар шивир, ҳар ун.

Сизни жондан севиб сиз деган ҳар он,
Умрингизнинг ярми Ҳамид Олимжон.
Севгингиз меваси Ҳулкар ҳам Омон,
Ёдга тушаверар сиз туғилган кун,
Сизни табриклайди ҳар шивир, ҳар ун.

Бугун расмингизга ўкиниб боқиб,
Набиралар турар бағрини ёқиб.
Умр ўтар экан, сув мисол оқиб,
Сизни эслайверар сиз туғилган кун,
Сизни табриклайди ҳар шивир, ҳар ун.

Ҳар баҳор эслаймиз Зулфияхонимни,
Ҳар битта ашъори титратар жонни.
Ахир у фаҳри эди шу гўзал элни,
Руҳингиз тинч бўлсин, эй, азиз устоз,
Бугун шеър, кўшиқ, куй муштарак мумтоз.

ВАҚТ

Фарзанд экан умрнинг энг тотли бир меваси,
Хар бирига боққан дам ширин ҳислар чулғайди.
Елдимирим вақт ўтаркан бизга асло сездирмай,
Кеча мурғак болалар бугун мана улғайди.

Қўлда кичик кўзгуча, оро берар ўзига,
Наҳот севги йўлига туташибди йўллари.
Наҳот умр шунчалар шошқалоқлаб ўтади,
Ҳаёт экан бир майдон умр эса кўпкари.

Ҳислар мени кўзгунинг қаршисига бошлади,
Шунда кўрдим сочимнинг бир дона оқ толасин.
Наҳот мен ҳам улғайдим, дилда маъсум маюслик,
Шунда кўрдим умрнинг юзга солган соясин.

Нетайки, вақт кутмайди барин тутқазмас кунлар,
Ҳаётини ҳақиқат бу ҳеч ким инкор этолмас.
Шошмоқ вақти келибди, улгуришга ундайди,
Кўзгудаги ялтираб турган бир дона олмос.

ЯХШИ

(Шоирликни ҳавас қилган йигитга айтганларим...)

Дилингда шеърятга илиқлик бўлгани яхши,
Сўзлар ҳавоий эмас, қалам кўнгилнинг нақши.
Чумчуқ сўйса ҳам дерлар, қассоб сўйгани тузук,
Хар ким қўлидан келган ишни қилгани яхши.

Донни деҳқонга беринг, ерни билар об-тобин,
Олим мани излайди, қўлдан қўймай китобин.
Дилинг тўлгай сурурга, нотик қилса хитобин,
Хар ким қўлидан келган ишни қилгани яхши.

Ер ипакдай эшилар деҳқон олса кетмонни,
Алплар ватан қўриқлар майдонга тикиб жонни.
Эрлар миллат шони деб, тикгайлар бор имконни,
Хар ким қўлидан келган ишни қилгани яхши.

Жим ингранар нолавор, созанда олганда тор,
Мусаввир чизгисидан қоғозда яшнар “баҳор”.
Хонанда хонишидан дилдан кетгайдир ғубор,
Хар ким қўлидан келган ишни қилгани яхши.

ШОДИЁНА

*Аҳмад ал- Фарғоний ҳайкалининг очилиши
маросимига бағишлайман.....*

Бугун тонгнинг жамоли ўзга,
Юртнинг бугун камоли ўзга.
Кундуз қуёш оқшомда эса,
Нурдек балққан ҳилоли ўзга.

Бир юз олтмиш икки давлатнинг,
Нигоҳида бугун Фарғона.
Шодлик тўла юртнинг, миллатнинг,
Сўроғида бугун Фарғона.

Дунёни лол қолдирган олим,
Бугун топди ўз юртида шон.
Кадамжога айланди Кува,
Фарғонийга бешик ул-макон.

Шукр дедим кўзларимда нам,
Ўша қутлуғ дами кўрган он.
Мустақиллик боис Ватанга,
Қайтганингиз қутлар Туркистон.

Етти йилки кўзларда зиё,
Юракларда йўқотилган шон.
Гўё руҳсиз эди танимиз,
Мустақиллик бахш этмоқда жон.

Шу ишларнинг бошида мудом,
Ота бўлиб турган ўзингиз.
Шу муборақ Ватан иқболин,
Буюклигин кўрган ўзингиз.

Улуғ бобом руҳин шод этиб,
Сиз минбарга кўтарилган чоғ.
Халқ тўлқинга айланди гўё,
Падар деди сизни қиблагоҳ.

Қучоғига олди оталар,
Онахонлар дуойи жонда.
Кўз тегмасин юртим бахтига,
Халқим бўлсин доим омонда.

МИЛЛАТИМ

*А. Фарғоний даврида рюмка бўлганлиги ўзбеклар
маданияти белгисидир.*

Ажаб ер остида ажиб бир бўстон,
Бўстонки аталмиш гўзал Шаҳристон.
Бугун ошкор этмоққа топилиб имкон,
Ўтмишидан огоҳ бўлган миллатим.
Гўзал шишаларда нафис бир санъат,
Топилдиқ буюмлар латиф бир хилқат.
Ўзлигингдан дарак ҳар бир ҳақиқат,
Ўтмишингдан огоҳ бўлган миллатим.

Кимлар сен ҳақингда саводсиз деди,
Маънан бой миллатни одобсиз деди.
Шижоаткор халқни шиддатсиз деди,
Ўтмишингдан огоҳ бўлгин миллатим.
Бағрингда туғилган қанча даҳолар,
Фарғоний, Улуғбек, буюк Синолар.
Аждодларим шонин ютди “юҳо”лар,
Бугун ўтмишидан огоҳ миллатим.
Шукр, бир буюк зот юртбоши бўлди,
Ўтмишидан огоҳ юрт кучга тўлди.
Бугун ўзлигини таниди, билди.
Ўтмишидан огоҳ бўлган миллатим.

СЎРАДИМ

Тонгда эсан саболардан, ой юзингни сўрадим,
Сўлим кеча самолардан юлдузингни сўрадим.
Булбул кўйи наволардан дил сўзингни сўрадим,
Шу бокира табиатдан мен ўзингни сўрадим.
Сўраб кўрдим субҳидамда, япроқларда шабнамдан,
Анҳор бўйи майсазордан, гулзорлардан, чамандан.
Сен-ла ўтган кечалардан, оқшомлардан, илк дамдан,
Яна баҳор! Атрофимда чарх урмоқда булбуллар,
Минг жилода товланмоқдажоним сен севган гуллар.
Кошки эди ўша онлар бир зумга қайтса агар,
Кел, азизим, лаҳзалардан мен ўзингни сўрадим.

ОЛҚИШ

Оллоҳ тошдек бардошдан яратганим ўзингсан,
Бу оламга меҳр, ишқ таратганим ўзингсан.
Йўлингга не мардларни қаратганим ўзингсан,
Сен вафо бўстонида султон бўлганим АЁЛ!

Оллоҳ тафтна, меҳрни ўзингдан олганми, айт!
Юзинг кўриб фалакда, ҳилол лол қолганми, айт!
Садоқат шевасини дилингга солганми, айт!
Эй! Вафо бўстонида султон бўлганим, АЁЛ!

Сен мулки Турон бўлиб, Нодирадай бўзлаган,
“Меҳнат – у аламларни” Увайсий бўлиб сўзлаган.
Эл бирлигин Темурдек Бибихон бўп кўзлаган,
Сен Шарқнинг бўстонида султон бўлганим, АЁЛ!

Шоир Шероз холингга бахш этган шаҳарларни,
Буюк Алишер сен деб битган шоҳ асарларни.
Шохжаҳонтимсолингдеб курган Тожмаҳалларни,
Тарих варақларида султон бўлганим, АЁЛ!

Сен ойдай тўлиб турсанг, уйида ўшадир бахт,
Хотиржам кулиб юрсанг, уйингда ўшадир бахт.
Кунлик изтироблардан дилингга тўлмаса дард,
Мен бахтли шоирингман, Сен эса султон АЁЛ!

* * *

Эзгулик дилларга малҳами жондир,
Ёмонлик умрга заволдир эркам.
Дунё яралгандан бери шундайдир,
Яшайди ёнма-ён шодлик ила ғам.

* * *

Шухрат осмонида чақин мисоли,
Ялт этиб узлатга чўмувчи бўлма.
Бу фоний дунёнинг ёлғонларига,
Алданиб обрўйинг тўкувчи бўлма.

* * *

Дил пиёла эҳтиёт қилинг,
Дарз кетмасин чертилиб ногоҳ.
Қолган кўнгил чиққан жон каби,
Унутмангиз бўлингиз огоҳ.

ҚИШЛОҚ АЁЛИГА...

Фалак сирли сандиғини очаверар ҳар оқшом,
Яна тарих дафтариға ёзилажак шу кун ҳам.
Ўтаётган умримизнинг ёрқин нуқталарини,
Излаб-излаб қоғоз узра тўкилар титраб қалам.
Оқшом қора чодирини замин узра тиккан дам,
Нозик қаддинг юмуш номли ёсуманлар буккан дам.
Эртинги кун режаларини дилгинангга тўккан дам,
Сен ҳақингда ёна-ёна шеър битар титраб қалам.
Тун ярмидан оққан бошинг ёстиғингга қўймасдан,
Ҳали жисминг ором номли фароғатни туймасдан.
Шу кунни ҳам роҳат дединг, заҳматларга йўймасдан,
Бардош тилаб ашъор битдим қўлимда титраб қалам.
Ўттиз ёшда сочларингни оқаргани ёлғонму,
Ой юзингга аямасдан йиллар чизик солганму.
Сайёрамга энди сен деб ёниб яшаш қолганму,
Қўлим титрар, дилим титрар, шеър битар титраб қалам.

АЁЛГА

Тонг хижолат бўларкан доим, Юзларингни чайиб қўяй деб,
Сендай эрта туролмай қолиб. Қайнаб кетар экан булоқлар.
Қуёш уфққа қўяркан бошин, Қулоғинга сирғалар ясаб,
Бардошингдан уялиб толиб. Ошиқ бўлиб қоларкан заргар
Сой бўйида сулув мажнунтол, Қуртлар шошиб тўқиркан ипак,
Сочларингга ҳасад қиларкан. Роҳат қилсин нозик тананг деб.
Ой юзингга ўхшолмай лола, Ҳатто ўсма оролаб қошинг,
Чўққиларда баркин тиларкан. Ой юзингга берар экан зеб.
Оху экан тоғларда гирён, Қўлларингга берай деб чирой,
Кўзларингни шаҳлолигидан. Хина бағри бўлар экан қон.
Фалакда ой хижолат экан, Пойингга бош қўяркан гуллар,
Юзларингни зеболигидан. Сен чаманда ҳиром этган он.
Сабринг кўриб қадди дол, Лабларингдан нусха ололмай,
Афсонавий Кўхкофнинг ҳам. Оловланган ғунча бағри ол.
Дилгинангга қўнса гар ғубор, Сен шундайин тенгсиз малаксан,
Бутун олам чекар экан ғам. Муқаддасим, азизам, АЁЛ!!!

СОҒИНИШ

Субҳидамда чиқдим чаманга,
Майсаларга қўнибди қиров.
Шабнамларни соғиниб кетдим,
Қани баҳор қайтолса бирров.
Титраб турар сап-сарик барглар,
Юзларида йилнинг излари.
Мен баҳорни соғиниб кетдим,
Бошланибди йилнинг кўзлари.
Сувлар оқар мусаффо тиниқ,
Сокингина шўхликлар тинган.
Мен ёшликни соғиниб кетдим,
Туйғуларим унга беркинган.
Мендан олис жуда олисда,
Бир қизалоқ ўйнар қийқириб.
Болаликни соғинган қалбим,
Кузатади, уни жим туриб.
Шукр дейман сочимда қиров,
Юзларимда йилнинг излари.
Олдинда қиш турар кексалик,
Ахир бу кун умрим кўзлари.

АЁЛ

Нечун сизни куйламайин юракдан,
Номингизга нечун битмайин ашъорлар.
Шу ҳаётга нур таратган ўзингиз,
Сиз борсизки, ҳаёт мангу мунаввар.
Сиз эмасму, қай бир мағрур йигитнинг,
Ширин-ширин орзусига айланган.
Сиз эмасми, қай бир ўктам тақдирнинг,
Тақдирига занжир бўлиб боғланган.
Сиз эмасми, тунларни лол қолдириб,
Оқшомларни оппоқ тонгга улаган.
Сиз эмасми мудроқ нигоҳлар билан,
Бешикдаги “бахт”га толе тилаган.

Кўплар сизни гулга қиёс қилади,
Лекин сизни гул демоққа тилим лол.
Сиз гул эмас, сиз қуёшсиз, сиз чаман,
Сиз – Онасиз, Сиз – мухтарама АЁЛ.

Гул ҳам хазон фасли келгач тўкилар,
Тароватин қўяр шунда йўқотиб.
Лекин сизлар яшайсизлар қалбларда,
Ҳамон меҳр, вафо, ишқни уйғотиб.
Сиз вафодан, муҳаббатдан яралиб,
Юракларга севги бўлиб кирасиз.
Сиз қалбларга баҳор бўлиб, гул бўлиб,
Хушбўй, хушбўй атирлар уфурасиз.
Шу боисдан сиз деганда илҳомим,
Кўзларимдан оромимни олади.
Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи,
Фақат ОНА, АЁЛ боқий қолади.

МАРДИКОРГА БОРМАГИН!

Гулга қиёс қилдик аёлни,
Толеида дедик бахт, иқбол.
Бугун рўзғор юкин ортмоқлаб,
Мардикорга чиқмоқда АЁЛ.

Кўз ўнгимда сарвдек қадлар,
Дол бўлмоқда мисли мажнунтол.
Ё раб, дейман қайси замонда,
Мардикорга чиққанди АЁЛ.

Ойлаб кетар, ҳафталаб кетар,
Фарзанд қолар мўлтираб беҳол.
Юрагимда турмоқда санчиқ,
Мардикорга бормагин, АЁЛ.

Қутқараркан дунёни чирой,
Гўзалликдан юзлар бўлсин ол.
Сен қадрингни ерга топтама,
Мардикорга борма, жон АЁЛ!!!

АЁЛНИ АСРАНГ

(“Мардикорга бормагин Аёл” шеърига мантикий жавоб)

Нима бўлди сизга алпларим,
Иш сўроқлаб юрса ўзбекнинг,
Орияти осмон эркалар.
Дунё кезиб ой чехралари.
Юрагимга солганди ғурур,
Ё раб, сизлар қандай чидайсиз,
Сиз ҳақдаги гўзал эртақлар.
Миллатнинг алп, аёл эрлари

Кўзингизнинг ўнгида бу кун,
Сизчи, лоқайд қабул қилдингиз,
Аёл борар қоврилиб жони.
Гўё шундай бўлмоғи керак.
Қори битмас рўзғор юкидан,
Нега ёниб кетмаяпсан, айт!
Ёниб борар, буткул жаҳони.
Нега тўхтаб қолмайсан юрак.

Сандикдай қоп кўтариб юрса,
Барчин дея Қалмоққа борган,
Сиз кўрмасга олиб ўтдингиз.
Алпомишни кетаман излаб.
Ташлаб кетса ночор, ноилож,
Қайда Фарҳод, қайда Мажнун деб,
Фарзанд боқиб ойлаб кутдингиз.
Шеър битаман кечалар бўзлаб.

У пул топиб келди...Нигоҳи,
Қирқ кокилин майдалаб ўрган,
Жисми каби садпора, беҳол.
Барчинларни тушда кўраман.
Қарай олмас кўзингизга тик,
“Мардикорга борма аёл” деб,
Дили вайрон ва афтодаҳол.
Фақат шеърда мен бонг ураман.

Бугун Ширин қавмини кўриб,
Аёлингиз асранг, эркаклар.
Қай ҳолатга тушарди Фарҳод.
Ахир Аёл миллатнинг шаъни.
Мажнун кўриб Лайли қавмининг,
Аёлни шаънин сақлаб қолади,
Аҳволидан демасмиди дод.
Бут бўлса гар эрнинг иймони.

АЁЛ

Сен шоҳ қизи – Зебунисо, назми нозик дурдона,
Моҳларойимсан Хўқанду Латиф ичра ягона,
Ким тенг келар шеърятда, айтинг момом Жаҳона,
Аёл номли саодатсан, куйланмаган баётсан.
Ҳижоб ичра ўранганча мозийлардан қарайсан,
Мушку анбар тарашганча кокилларинг тарайсан,
Меҳринг билан замонларни саодатга ўрайсан,
Аёл номли саодатсан, куйланмаган баётсан.
Ушоққина бўлсанг ҳамки, бардошда чўнг қоясан,
Сен муқаддас Она – ерни йўргаклаган доясан,
Қаҳратонда тафтли қуёш, саратонда соясан,
Аёл номли саодатсан, куйланмаган баётсан.
Раҳм айласанг муз юраклар эриб сувга айланар,
Қаҳр айласанг ғзаб номли тулпор йўлга шайланар,
Сен муҳаббат маъбудаси диллар дилга жойланар,
Аёл номли саодатсан, куйланмаган баётсан.
Раҳм айласанг муз юраклар эриб сувга айланар,
Қаҳр айласанг ғзаб номли тулпор йўлга шайланар,
Сен муҳаббат маъбудаси диллар дилга жойланар,
Аёл номли саодатсан, куйланмаган баётсан.
Мен Ҳалиманг бўлиб, бу кун камолингни куйлайин,
Турсунойинг бўлайину, Андижонча сўйлайин,
Сайёрангман, азиз аёл, сенга бахтлар тилайин,
Сен Аёлсан, муқаддассан, куйланмаган баётсан.

ҚАСИДА

Тангри бир кун яратибди, аёл момо Ҳавони,
Сўнг ҳаёдан кўйлақ бичиб, кийдирибди одобни.
Муҳаббатли бўлсин дея, саховатли бўлсин деб,
Унинг мунис юрагига жо қилибди офтобни.
Тундан олиб икки чашмин ўрабди ёғду билан,
Жодуларга бой яратиб, сеҳрларга кўмибди.
Ойдан олиб ёноғини, нур таратиб юзларга,
Дуо айтгач, Ҳумолари бошларига кўнибди.
Кокилларин тараган чоғ, зулмат тутмиш оламни,
Жамолини кўрмоқ учун томошага чиқмиш ой.
Сочларининг тўлкинидан уммон олиб андоза,
Она ерни безатаркан алардан олиб чирой.
Майсалардан олиб илҳом киприк тортмиш кўзларга,
Ўша жоду нигоҳларни рашк билан беркитай деб.
Аёл жисмин яратган чоғ боғда гуллар ифори,
Анвойи бўй таратганча, алар учун бўлмиш зеб.
Зуваласи пишиқ бўлсин дея аёл умрини,
Жафоларга, ситамларга, кемтиқларга мўл қилмиш.
Фироқларда ёниб-ёниб адо бўлмасин дея,
Бардош бўлиб, чидам бўлиб, юрагига тўкилмиш.

* * *

Эзгулик дилларга малҳами жондир,
Ёмонлик умрга заволдир эркам.
Дунё яралгандан бери шундайдир,
Яшайди ёнма-ён шодлик ила ғам.

* * *

Шуҳрат осмонида чақин мисоли,
Ялт этиб узлатга чўмувчи бўлма.
Бу фоний дунёнинг ёлғонларига,
Алданиб обрўйинг тўкувчи бўлма.

* * *

Дил пиёла эҳтиёт қилинг,
Дарз кетмасин чертилиб ногоҳ.
Қолган кўнгил чиққан жон каби,
Унутмангиз бўлингиз огоҳ.

ЯНА АЁЛ ТАЪРИФИДА

Яна аёл таърифида қаламни олдим қўлга,
Саёҳатга чоғландим мен, Аёл деган манзилга,
Аёл сирдир, синоатдир султон мулки кўнгилга,
Баҳор каби нафислигинг, бўйларингдан ўргилай,
Сирга тўла нигоҳларинг, ўйларингдан ўргилай.
Хув қикирлаб қулаётган тоғ бағрида бойчечак,
Гулбаҳорга қиёс қилдимс сени гўзал келинчак,
Қўлларингни тарк этмасин, момонг тутган беланчак,
Ой хижолат бўлган ўшал юзларингдан ўргилай,
Сирли-сирли нигоҳларинг, кўзларингдан ўргилай.
Довдирайди неча алплар, ўтли бир қарашингдан,
Олам атир бўйга тўлар сочларинг тарашингдан,
Лутф айласанг қанча мардлар кетолмагай қошингдан,
Баҳор каби нафислигинг, юзларингдан ўргилай,
Сирга тўла нигоҳларинг, кўзларингдан ўргилай.
Мажнун ўтди Лайли васлин фироқида девона,
Ширинни деб ўтди Фарҳод бўлиб элга афсона,
Сандиқларда окди Тоҳир, Зухро ишқида ёна,
Ошиқ дилга гул солган юзларингдан ўргилай,
Сирли, сирли боқишларинг, кўзларингдан ўргилай.
Ўн саккиз ёш қиз тарифин куйлаб қалам ёнади,
Қирқ ёши ҳам гўзал хилқат боқманг қалб ўртанади,
Аёл шундай синоатдир, сирлашсанг дил қонади,
Малоҳатда тенгсиз малак сендан ўргилай, Аёл!
Ҳар юракда меҳр бўлиб, сеҳр бўлиб мангу қол!

* * *

Менга керак эмас мол-у давлатинг,
Кунда бир аҳволим сўраб турсанг бас.
Отни ҳуркитса, ҳам шонинг, шавкатинг,
Мен учун сен оддий боласан холос.

* * *

Хотин йўлингдадир болам, унутма,
Фарзанд белингдадир болам, унутма.
Йўқотсанг топмассан она-и зоринг,
Шунда кўзингга тор олам унутма.

МУНДАРИЖА

Ягонамсан	4
Эзгуликнинг уйгоқ кўзлари	5
Тилак	5
Кўриб турсам бас	6
Тилингдан	6
Келинчак	7
Шукрона	7
Ўргилай	8
Қолдирмангиз аёлни ёлғиз	8
Пойингиз саждагоҳ	9
Қомус	10
Ўзинг қўлла	10
Гап келди аямай айтмоқ хонаси	11
Ягонамсан	12
Хотира	13
Наврўз	13
Эхтиром	14
Розиман	14
Кек сақламанг	15
Шукрона	16
Алвидо, энахон	17
Ғурур	18
Биллур орзулар	18
Юракларда яшайвераман	19
Уйғониш	19
Манзара	20
Ўшадир – ҳаё	20
Муҳаббат туйғуси	21
Хайрли бўлсин	22
Юракларда яшайвераман	22
Сиз туғилган кун	23
Вакт	24
Шодиёна	25
Миллатим	26
Сўрадим	26
Олқиш	27
Қишлоқ аёлига	28
Аёлга	28
Соғиниш	29
Мардикорга бормагин!	30
Аёлни асранг	31
Аёл	32
Қасида	33
Яна аёл таърифида	34

Адабий-бадиий нашр

Сайёра Мавлонова

ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, АЁЛ

Мухаррир:

Нодира Эгамкулова

Техник муҳаррир ва дизайнер:

Файзулло Азизов

«Turon zamin ziyo» нашриёти

Лицензия: А1 № 278. 2016 йил 11 январ.

Теришга 2016 йил 12 июлда берилди.

Босишга 2016 йил 19 августда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32. «Virtec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида газет коғозида босилди.

1,12 шарт. б.т. 1,85 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусха. 113-сон буюртма.

“Мухаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.

100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,

Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.



Сайёра Мавлонова

1949 йил Хоразм вилояти
Янгиариқ туманида туғилган
Кўп йиллар Фарғона вилояти
Фурқат туманида Халқ
таълими соҳасида ишлаган.
Шеърлари матбуотда
эълон қилинган.
2013 йил вафот этган.

ISBN 978-9943-4670-6-4



9 789943 467064